“Тасдиқлайман”
“Ўзбекистон ТМК” АЖ
Бошқарув раисининг операцион
масалалари бўйича ўринбосари
_____ У.Н.Рузиев
“24” 08 2026 йил

339-03/09

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

Нодир металлар ва қаттиқ қотишмалар ишлаб чиқариш заводи молибден ва вольфрам ярим махсулотлари ишлаб чиқариш гидрометаллургия цехларида технологик жараёни техник аудитдан ўтказиш.

Чирчиқ - 2026 йил.

ТАРКИБ:

Бўлим / Кичик Бўлим	**Номи**	**Сахифа**
Бўлим 1	Харид предмети ва мақсади	3
Бўлим 2	Аудитнинг асосий вазифалари	3
Бўлим 3	Аудит қамрови	3
Бўлим 4	Буюртмачи томонидан тақдим этиладиган маълумотлар	4
Бўлим 5	Ишларни бажариш босқичлари	4
Бўлим 6	Якуний натижаларга қўйиладиган талаблар	4-5
Бўлим 7	Буюртмачига топшириладиган ҳужжатлар	5
Бўлим 8	Ишларни бажариш муддати	5
Бўлим 9	Бажарувчига қўйиладиган талаблар	5
Бўлим 10	Ишларни қабул қилиш мезонлари	5
Бўлим 11	Якуний қоидалар	6

Тендер ҳужжатларининг техник қисми

1. ТЕХНИК АУДИТ ЎТКАЗИШ МАҚСАДИ.

«Ўзбекистон ТМК» АЖ «Нодир металл ва қаттиқ қотишмалар ишлаб чиқариш заводи» вольфрам ва молибден ярим махсулотлари ишлаб чиқариш гидрометаллургия цехларида амалдаги техник-технологик жараённи ўрганиб чиқиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга таъсир этувчи муаммо ва чекловларни аниқлаш, уларнинг сабабларини асослаш ҳамда техник ва иқтисодий жиҳатдан мақбул чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, маҳсулот сифатини жаҳон талабларига жавоб берадиган технологияларни тадбиқ этиш.

Аудит натижасида ҳар бир муҳим муаммо бўйича сабаб, техник ечим, устуворлик, инвестиция эҳтиёжи, кутилган иқтисодий самара ва амалга ошириш муддати кўрсатилиши лозим.

2. АУДИТНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

- лойиҳавий ва амалдаги ишлаб чиқариш қувватларини батафсил ўрганиш;
- технологик жараёндаги асосий тор жойлар ва йўқотиш манбаларини аниқлаш;
- материал ва металл балансларини тузиш ва текшириш;
- реагент, хом-ашё, сув ва энергиянинг солиштирма сарфини баҳолаш;
- асосий ускуналарнинг техник ҳолати ва ишончлилигини баҳолаш;
- маҳсулот сифати ва лаборатория назоратини текшириш;
- аниқланган муаммоларнинг асосий сабабларини белгилаш;
- модернизация чораларини техник-иқтисодий жиҳатдан асослаш.

3. АУДИТ ҚАМРОВИ

Блок	**Текшириладиган масалалар**
Технология	Схема, режимлар, унумдорлик, чиқиш, металл ажратиб олиш
Хомашё	Таркиб, намлик, гранулометрия, барқарорлик ва сарф
Балансlар	Кириш-чиқиш, металл тақсимоти ва йўқотишлар
Ускуналар	Қувват, юкланиш, техник ҳолат ва авариявий тўхташлар
Энергия	Электр, газ, буғ, сув, сиқилган ҳаво ва бошқа ресурслар
Сифат ва лаборатория	Спецификация, таҳлиллар, намуна олиш ва сифат барқарорлиги

4. БУЮРТМАЧИ ТОМОНИДАН ТАҚДИМ ЭТИЛАДИГАН МАЪЛУМОТЛАР

№	Ҳужжат / маълумот
1	Корхонанинг технологик схемаси ва бош режаси
2	Технологик регламентлар ва иш режимлари
3	Ускуналар реестри ва паспортлари
4	Ишлаб чиқариш ҳисоботлари (камида 12–36 ой)
5	Хомашё ва тайёр маҳсулот таҳлиллари
6	Материал ва металл баланслари
7	Энергия сарфи ҳисоботлари
8	Лаборатория методикалари ва сифат сертификатлари.

Буюртмачида мавжуд бўлмаган маълумотлар алоҳида қайд этилади ва уларнинг аудит хулосаларига таъсири ҳисоботда кўрсатилади.

5. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ БОСҚИЧЛАРИ

Босқич	Номи	Асосий ишлар
1	Тайёргарлик	Мақсад, қамров, график ва маълумотлар рўйхатини келишиш
2	Ҳужжатлар таҳлили	Регламент, ҳисобот, статистика ва лаборатория маълумотларини ўрганиш
3	Майдон кўриги	Цехлар, агрегатлар, КИП, лаборатория ва иш жойларини кўздан кечириш
4	Ўлчаш ва намуна олиш	Зарур параметрларни текшириш ва назорат намуналарини олиш
5	Ҳисоб-китоблар	Материал, металл ва энергия балансларини ҳисоблаш
6	Сабаб-таҳлил	Муаммолар асосий сабабларини аниқлаш
7	Ечимлар	Техник чоралар, инвестиция, муддат ва самарани белгилаш
8	Якуний ҳисобот	Хулоса, тақдимот ва йўл харитасини тайёрлаш

6. ЯКУНИЙ НАТИЖАЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

- корхонанинг умумий техник-технологик ҳолати бўйича эксперт хулосаси;
- асосий технологик тор жойлар ва металл йўқотиш манбалари;
- материал ва металл баланси ҳамда энергия таҳлили;

- критик ускуналар ва асосий техник хавфлар реестри;
- аниқланган муаммолар, сабаблар ва тавсиялар реестри (A/B/C устуворлик билан);
- техник чоралар бўйича CAPEX/OPEX, йиллик иқтисодий самара ва қопланиш муддати;
- 0–3, 3–6, 6–12 ва 12–24 ойлик амалга ошириш йўл харитаси.
- жаҳон талабларига тўлиқ жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган технологик жараёни ишлаб чиқиш.

7. БУЮРТМАЧИГА ТОПШИРИЛАДИГАН ҲУЖЖАТЛАР

№	Натижа	Формат
1	Асосий техник аудит ҳисоботи	Word/PDF
2	Раҳбарият учун қисқа тақдимот	PowerPoint/PDF
3	Материал ва металл баланси	Excel/Word
4	Энергия таҳлили	Excel/Word
5	Муаммолар ва тавсиялар реестри	Excel/Word
6	CAPEX/OPEX ва иқтисодий самара жадвали	Excel
7	12–24 ойлик йўл харитаси	Excel/Word
8	Фотофиксация ва таҳлил/ўлчаш материаллари	JPEG/PDF/Word

8. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТИ

Умумий хизмат кўрсатиш муддати: шартнома кучга кирган санадан бошлаб 26 календарь кун.

Майдон ишлари ва якуний ҳисоботни тақдим этиш графиги шартнома имзолангандан сўнг Буюртмачи билан келишилади.

9. БАЖАРУВЧИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

- металлургия/гидрометаллургия соҳасида амалий тажриба;
- ўхшаш техник аудит ёки технологик диагностика ишларини бажарганлик тажрибаси;
- лойиҳа раҳбари ва тегишли соҳалар бўйича малакали экспертлар мавжудлиги;
- барча хулоса ва тавсияларни далиллар ва ҳисоб-китоблар билан асослаш;

- махфийлик, саноат хавфсизлиги ва объект ички тартиб-қоидаларига риоя қилиш.

10. ИШЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ МЕЗОНЛАРИ

- Техник топшириқда белгиланган аудит қамрови бажарилган бўлиши;
- муаммо, далил, сабаб, таъсир ва тавсиялар ўзаро боғланган бўлиши;
- асосий ҳисоб-китоблар ва иқтисодий баҳолар тақдим этилган бўлиши;
- барча келишилган ҳисобот ва иловалар электрон форматда топширилиши;
- Буюртмачининг асосланган изоҳлари инобатга олинган якуний версия тақдим этилиши.

11. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

Мазкур Техник топшириқ шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади. Аудит жараёнида қўшимча ишлар зарурати юзага келса, уларнинг ҳажми, муддати ва молиявий шартлари Буюртмачи билан алоҳида келишилади.

Ишлаб чиқди:

Техник бўлими бошлиғи *Н.А. Башлыкова*

Келишилди:

НМваҚҚ ишлаб чиқариш
Завод директори *И.С. Асадов*

Ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи *А.М. Умаров*